

Қримдаги тиббий марказда намозхона очилди



20:00 / 17.03.2021 2122

Н.А. Семашко номидаги Қрим республикасининг Симферополдаги клиник касалхонасида ибодат учун намозхона очилди. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради. Намозхонларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда бинонинг пастки қаватида ибодат учун хона мавжуд.

Намозхона Қрим Республикаси ва Севастопол шаҳри мусулмонлари диний идораси ҳамда шифохонанинг тиббиёт ходимлари ташаббуси билан ташкил этилди.

В.И. номидаги Қрим республика клиник касалхонасининг бош шифокори Семашко Валентина Фурсова ва Қрим муфтийси ёрдамчиси, Симферопол бош имом-хатиби Муҳаммад Исломов йиғилишда шифохоналарда

намозхоналар зарурлигига бир овоздан рози бўлишди.

Касалхона бош шифокори Валентина Фурсованинг сўзларига кўра, маънавий саломатлик асосан жисмоний соғлиқни белгилайди.

«Беморларнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, агар бу икки компонентнинг бирлиги бўлмаса, унда тикланиш бўлмайди. Инсоннинг яшаши учун маънавий ва жисмоний истагини кўрганимизда, бу жараён жуда тез ва яхшироқ содир бўлади. Ва биз интилаётган натижани қўлга киритамиз», - деди бош шифокор.

Учрашувда Муҳаммад Исломов ва Валентина Фурсова намозхонанинг иш тартиби, шунингдек, мусулмонларнинг намоз ўқиш вақтида тўсиқсиз кириш имкониятларини муҳокама қилдилар.

«Биз Қрим муфтиси ҳожи Эмиралли Аблаев номидан шифохона раҳбарияти билан намозхонанинг барча тафсилотларини муҳокама қилдик. Ҳар қандай касалхонадаги бемор ёки соғлиқни сақлаш мутахассиси калитларни қўриқлаш пунктдан олишлари мумкин. Беш вақт намоз ўқиш учун хона ҳар доим очиқ бўлади», - деди Муҳаммад Исломов.